

РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

---

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАХМОНОВ ЖЎРАБЕК АМРИЛЛОЕВИЧ

КИМЁРЕЗИСТЕНТЛИ ТУХУМДОН САРАТОНИНИНГ РЕЦИДИВИ  
НАТИЖАСИДА КУЗАТИЛАДИГАН ХАВФЛИ АСЦИТДА  
ПАЛЛИАТИВ ДАВОНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

14.00.14-Онкология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ - 2025

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of phylosophy (PhD)**

<b>Абдурахмонов Жўрабек Амриллоевич</b> Кимёрезистентли тухумдон саратонининг рецидивини натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив даври такомиллаштириш .....	3
<b>Абдурахмонов Журабек Амриллоевич</b> Совершенство паллиативного лечения химиорезистентного злокачественного асцита при рецидиве рака яичника .....	29
<b>Abduraxmonov Jurabek Amrilloevich</b> Improvement of palliative treatment of malignant ascites in chemoresistant recurrent ovarian cancer .....	57
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works.....	61

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04/30.12.2019Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**АБДУРАХМОНОВ ЖЎРАБЕК АМРИЛЛОЕВИЧ**

**КИМЁРЕЗИСТЕНТЛИ ТУХУМДОН САРАТОНИНИНГ РЕЦИДИВИ  
НАТИЖАСИДА КУЗАТИЛАДИГАН ХАВФЛИ АСЦИТДА  
ПАЛЛИАТИВ ДАВОНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**14.00.14-Онкология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.3.PhD/Tib3037 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар**

**Рахимов Нодир Махамматкулович**

Тиббиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Камышов Сергей Викторович**

тиббиёт фанлари доктори

**Атаханова Нигора Эргашевна**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро Давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.77.01 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@cancercenter.uz](mailto:info@cancercenter.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.)

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**М.Х. Ходжибеков**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги  
Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори,  
профессор

## КИРИШ (фалсафа фанлари доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Хавфли асцит кимёрезистентли тухумдон саратони қайталаниши билан оғриган беморларда дунеда кўп учрайдиган асорат ҳисобланади. Бу ҳолат беморлар ҳаёт сифатига жиддий таъсир қилади ва паллиатив даволашда қийинчиликлар келтириб чиқаради. Қуйидаги мақола жаҳон амалиётида хавфли асцитни бошқариш бўйича замонавий илмий манбалар асосида таҳлилни ўз ичига олади. Bevacizumab, «...ҳозирги кунда VEGFга қарши моноклонал антитана, хавфли асцитни бошқаришда умидли самара кўрсатган...»<sup>1</sup>. Тадқиқотларига кўра, VEGF ингибицияси асцит суюқлигини тўпланишини камайтиради ва симптомларни енгиллаштиради. PARP ингибиторлари BRCA-мутацияга эга тухумдон саратонида касалликни сустлатиш салоҳиятини кўрсатган, аммо асцитни бошқаришдаги роли ҳали ўрганилмоқда. Кимёрезистент тухумдон саратони хавфли асцитни назорат қилишда жиддий қийинчиликларни келтириб чиқаради. Тухумдон саратонига сабаб бўлган асцитни даволашда терапевтик ёндашувлардаги тараққий этиш бевосита замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан биридир.

Жаҳонда хавфли асцит, айниқса, кимёрезистентли тухумдон саратони рецидиви билан бирга кечадиган ҳолларда, касалликнинг энг оғир асоратларидан бири ҳисобланади ва у беморлар ҳаёти сифатини оширишга қаратилган қатор илмий-тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада тухумдонлар саратонининг платинага резистент қайталанишига сабаб бўлган хавфли асцитли беморларни метроном кимётерапиясини қўллаб қувватловчи усулини ишлаб чиқиш, метроном кимётерапияни қўллаб қувватловчи ишлаб чиқилган усул токсиклиги ва ўтказувчанлигини, тухумдонлар саратонининг платинага резистент қайталанишига сабаб бўлган хавфли асцит ташхисланган беморларда тухумдонлар саратонининг турли морфологик вариантларида VEGF экспрессияси даражасини иммуногистокимёвий усуллар ёрдамида баҳолашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим илмий-амалий йўналишлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, онкологик касалликларни эрта ташхислаш ва самарали даволашга йўналтирилган чоратadbирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етита устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, қайталанган тухумдон саратонида асцитнинг самарали даволаш усулларини

<sup>1</sup> Lheureux et al. (2019) “Epithelial ovarian cancer: Evolution of management in the era of precision medicine” в журнале CA: A Cancer Journal for Clinicians.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866-сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** International Network on Cancer, Infertility and Pregnancy маълумотларига кўра, аёллар орасида хавфли ўсмаларнинг тарқалиши бўйича биринчи ўринда сут беши саратони (39%), иккинчи ўринда бачадон бўйни саратони (13%), лимфома (10%), тухумдон саратони (7%) ва лейкомия (6%) туради (de Naan J, 2018). Тухумдонлар саратони (ТС) хавфли ўсмалар орасида еттинчи ўринни эгаллаб, дунёда аёлларнинг саратондан кузатиладиган ўлими сабаблари бўйича саккизинчи ўринда туради. 2022 йили дунёда баҳолаш бўйича касалланиш йилига 205 000 ҳолатни ташкил қилади, бу тахминан йилига 125 000 га тўғри келади. Башорат қилинишича, 2035 йилга келиб бу рақамлар 67% га ортади ва 250 000 аёлни ташкил қилади. Тухумдонлар саратонидан (ТС) касалланишнинг ўсишга мойиллиги аниқланди, агар 2015 йили бу кўрсаткич 100 000 аҳолига 4,7 бўлса, 2021 йилга келиб 5,7 га ошди. 2015 йили ТС ўртача вазни 10,4% ни ташкил қилса, 2021 йилда 9,4%20 га тенг бўлди. Умуман олганда, платина асосидаги навбатдаги адъювант кимётерапия билан ўсма ҳажмини кичрайтириш ва босқичлаш бўйича тадбирларни ўз ичига олган терапиянинг биринчи чизигидан кейин тўлиқ клиник жавоб билан тухумдонлар саратонида юқори частота қайталади. Қайталанишлар касалликнинг эрта босқичларида 25% ҳолатда ва 80% ҳолатда кечки босқичларда кузатилади.

Тухумдон саратонига сабаб бўлган асцитни даволашга терапевтик ёндашувлардаги тараққий этиш ушбу касалликни тушунишда мустаҳкам асос керак бўлади. Режалаштирилган мазкур диссертация иши ушбу патологияда паллиатив ёрдам нуқтаи назаридан тухумдон саратони қайталанишига сабаб бўлган асцитни башорат қилиш омилларини аниқлаш ва ўрганишга

бағишланган. Жаҳон амалиётида асцит суюқлигининг ҳосил бўлишини камайтириш, симптомларни енгиллатиш ва рецидивларни олдини олишга қаратилган инновацион паллиатив усуллар етишмаслиги кузатилади. Интраперитонал кимётерапия, антиангиоген терапия ва генетик ёндашувлар каби усулларни янада чуқур ўрганиш зарур. Хавфли асцит муаммоси онкология, иммунология, молекуляр биология ва фармакология соҳалари ўртасидаги ҳамкорликни талаб этади. Бунинг учун таргетли препаратлар, иммунология терапияси, шунингдек, молекуляр диагностика ва мониторинг усулларидан фойдаланиш зарур (PleurX., 2021; Rosenberg et al., 2010; Armstrong et al. 2018; Ledermann et al., 2014; Lheureux et al., 2019).

Ўзбекистонда турли орган ва тизимларнинг, сут бези ва бачадон саратонини самарли ташхислаш ва даволаш бўйича бир қатор тадқиқотлар ўтказилган, хусусан, ривожланган сут бези саратонининг асоратларни олдини олиш ва инструментал усуллари ташхислаш (Н.Н.Захирова., 2018), бачадон бўйин саратонининг ташхислаш ва даволаш самардорлигида апаптознинг ўрни исботланган (Д.Ю.Юлдашева., 2018) каби тадқиқотлар олиб борилган, бироқ, кимёрезистентли тухумдон саратонининг қайтланиши натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив даволаш такомиллаштирилмаган. Юқорида амалга оширилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, тухумдонлар саратонининг платинага резистент қайталанишига сабаб бўлган хавфли асцит ташхисланган беморларни метроном кимётерапиясини қўллашга қаратилган усулни ишлаб чиқиш, токсиклик ва ўтказувчанлигини баҳоланмаган. Тухумдонлар саратонининг платинага резистент қайталанишига сабаб бўлган хавфли асцитли беморларда тухумдонлар саратонининг турли морфологик вариантларида VEGF экспрессияси даражасини иммуногистохимёвий усуллар ёрдамида баҳолаш алгортмини ишлаб чиқиш ва даволаш тактикасини танлаш ечимини топиш зурурлигини тақозо қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муссасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университетининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ №012000262 «Аҳоли саломатлигини яхшилаш, касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишнинг замонавий усулларни ишлаб чиқиш» (2018–2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Иммуногистохимёвий таҳлил натижалари асосида қайталанувчи тухумдон саратони билан кечадиган хавфли асцитни даволаш усулларни такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тухумдон карциномасининг турли гистологик турларида иммуноферментли таҳлил усули билан аниқланган VEGF нинг қон зардобидидаги миқдорий даражалари ва иммуногистохимёвий усул билан аниқланган VEGF нинг тўқима экспрессиясини қиёсий таҳлил қилиш;

рецидив ўсманинг молекуляр-биологик профили ва касалликнинг клиник-патологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, платинага резистент қайталанувчи тухумдон саратони фонида асцит билан оғриган беморлар учун метроном кимётерапиянинг такомиллаштирилган протоколини ишлаб чиқиш;

такомиллаштирилган метроном кимётерапия режимининг хавфсизлик ва толерантлик профилини комплекс баҳолаш, шу жумладан ножўя ҳодисаларнинг частотаси, оғирлик даражаси ва спектрини, шунингдек уларнинг беморлар ҳаёт сифати кўрсаткичларига таъсирини исботлаш.

платинага резистент қайталанувчи тухумдон саратони туфайли асцит билан оғриган беморлар гуруҳида метроном кимётерапиянинг такомиллаштирилган протоколини қўллашнинг бевосита ва узоқ муддатли натижаларини кўп омилли таҳлил қилиш, умумий яшовчанлик, прогрессиясиз яшовчанлик ва ҳаёт сифати кўрсаткичларини баҳолаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2017-2023-йилларда Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Самарқанд филиалида даволанган, асцит билан асоратланган тухумдон саратони (АБАТС) ташхиси қўйилган 116 нафар бемор бўлди. Беморлар куйидагича тақсимланди: 1,8,15 –кунлари гемцитабин 1000 мг/м<sup>2</sup> ва 3 ҳафтада 1 марта 7,5-15 мг/кг дозада бевацизумаб билан стандарт паллиатив терапия қабул қилган 1–гуруҳ (n=42); танаффуссиз ҳар куни ичишга циклофосфамид 50 мг / кунига метром кимётерапия қабул қилган 2-гуруҳ (n=33); танаффуссиз ҳар куни циклофосфамид 50 мг /кунига ва 1-28-кунлари пазопаниб 400 мг қабул қилган 3-гуруҳ (n=41).

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида хавфлилик даражасини (анаплазия) (ретроспектив маълумотлар асосида), шунингдек, тадқиқотнинг иммунофермент усули орқали тухумдонлар саратони ташхисланган беморлардан олинган веноз қони, амбулатор карта, канцер регистр маълумотлари, гистологик материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари** кимёрезистентли тухумдон саратонининг қайтланиши натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив давони такомиллаштиришда клиник, биокимёвий, инструментал, иммуногисткимёвий ва статистик тадқиқот усулларидадан фойдланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида қон зардобадаги VEGF даражасининг ошиши ўсманинг паст дифференциациялашганлиги ҳисобига башорат омили салбий маркер эканлиги исботланган;

асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида касаллик босқичи, ўсманинг гистологик тури ва дифференциация даражаси билан қон зардобадаги VEGF даражаси беморларнинг ёши ва ўсманинг гистологик хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланган;

асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида кам дозали комбинирлашган метроном кимё ва таргет терапия ангиоген самарасига етарли даражаси ҳисобига қўлланилиши самарадордиги исботланган.

асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида ўсманинг ангиоген потенциални баҳолаш учун VEGFнинг маҳаллий (ўсма ичидаги) ва тизимли (айланиб юрувчи) даражаларини аниқлаш, касалликнинг клиник кечишига ва башорат қилишига аҳамият эканлиги исботланган

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

платинага чидамли қайталанувчи ТС ва асцити бўлган беморларда кўшимча биомаркер сифатида қон зардобдаги VEGF биокимёвий кўрсаткичлари нисбатидан фойдаланиши исботланган:

беморлар гуруҳида аниқланган томир эндотелийси ўсиш омили (VEGF) нинг гиперэкспрессияси, неоангиогенез жараёнлари ва ёмон сифатли ҳужайраларнинг инвазив фаоллигини бостиришга мўлжалланган метроном терапиянинг потенциал самарадорлиги аниқланган;

қон зардоби ва ўсмадаги VEGF концентрациясининг интегртив таҳлида, клиник-морфологик хусусиятлари, индивидуал терапевтик стратегияси касаллик кечишининг прогностик моделларини ва комплекс ёндашув даволаш жараёнида такомиллаштирилган;

циклофосфамид ва пазопанибни метроном қўллаш платинага чидамли қайталанувчи ТС ва асцити бўлган беморларда стандарт терапия самарасиз бўлганда муқобил даволаш стратегияси ишлаб чиқилган;

олинган натижалар даволаш тактикасини оптималлаштирган ва беморларнинг умумий яшовчанлик кўрсаткичларини оширган ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган беморлар сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи клиник, биокимёвий, инструментал, иммуногистхимёвий ва статистик тадқиқот усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, кимёрезистентли тухумдон саратонининг қайтланиши натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив давони такомиллаштиришда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, олинган хулоса ва таклифлар ўзининг назарий аҳамиятига эга бўлиб, асцит билан асоратланган тухумдонлар саратони қайталанишининг ташхисоти ва даволаш хусусиятларини ўрганишга маълум даражада ҳисса қўшади, тухумдонлар саратонининг платинага резистент қайталанишига сабаб бўлган асцит аниқланган беморларда метроном терапия ўтказишнинг мақсадга мувофиқлиги кўрсатилган бўлиб, муайян беморлар гуруҳида келажакда касаллик қайталаниш эҳтимоли бўлиши мумкин ҳамда мазмунини такомиллаштиришга имкон бериши изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ишлаб чиқилган ва клиник амалиётга татбиқ этилган метроном терапия, шунингдек, ташхисот

ва даволашнинг модернизацияланган тактик-техник жиҳатлари даволаш самарадорлигини ошириш, касаллик қайталаниш даражасини камайтиришга имкон берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Қайталанувчи тухумдон саратонида (ТС) асцит мавжуд бўлиши ва қон зардобадаги VEGF даражасининг ошиши ўртасида ишончли боғлиқлик аниқланганлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида :

**биринчи илмий янгилик:** асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида қон зардобадаги VEGF даражасининг ошиши ўсманинг паст дифференциациялашганлиги ҳисобига прогностик салбий маркер эканлиги исботланганиги Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 сентябрьдаги 59-сонли буйруғи Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали 2023 йил 9 октябрь №155-Т сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 2023 йил 29 августдаги №52- сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 июлдаги №05/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Платинага чидамли қайталанувчи тухумдон саратони ва асцити бўлган беморларда метроном терапия қўлланилиши касаллик асоратларининг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш давомийлигининг узайишига олиб келди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Хавфли ўсмалар билан касалланган беморнинг ихтисослаштирилган шифохонада бир кунлик бўлиши (1 койка/кун) ўртача 187 885 сўмни ташкил этади, бу суммага овқатланиш, дори-дармонлар ва таҳлилларни ўтказиш харажатлари киритилган. Комплекс даволаш давомида беморлар шифохонада ўртача 11 кун даволанди. *Хулоса:* Метроном терапиянинг иқтисодий самарадорлиги Республика даражасида 12 ой мобайнида 27,2%га харажатларни қисқартиришини имкон берган.

**иккинчи илмий янгилик:** асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида касаллик босқичи, ўсманинг гистологик тури ва дифференциация даражаси билан қон зардобадаги VEGF даражаси беморларнинг ёши ва ўсманинг гистологик хусусиятлари билан боғлиқлиги аниқланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 сентябрьдаги 59-сонли буйруғи Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали 2023 йил 9 октябрь №155-Т сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 2023 йил 29 августдаги №52- сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 июлдаги №05/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Платинага чидамли қайталанувчи тухумдон саратони ва асцити бўлган беморларда метроном терапия қўлланилиши касаллик асоратларининг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш

давомийлигининг узайишига олиб келди. Метроном терапиянинг иқтисодий самарадорлиги Республика даражасида 12 ой мобайнида 27,2%га харажатларни қисқартиришини имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Бир беморни даволаш учун 2 066 735 сўм сарфланади. Химиорезистент тухумдон раки асцит билан мураккаблашган беморларни даволагандан сўнг уларнинг шифохонада қолиш муддатини 7 кунга қисқартириш орқали 939 425 сўм тежаш мумкин. *Хулоса :* қайталанувчи тухумдон саратони ва асцити бўлган беморларда метроном терапия қўлланилиши касаллик асоратларининг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш давомийлигининг узайишига олиб келди. Метроном терапиянинг иқтисодий самарадорлиги Республика даражасида давлат бюджетидан сарф харажатларни 12 ой мобайнида 27,2%га харажатларни қисқартиришини имконини берган.

**учинчи илмий янгилик:** асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида кам дозали комбинирлашган кимё ва иммунотерапия ангиоген самарасига етарли даражаси ҳисобига қўлланилиши самарадорлиги исботланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 сентябрьдаги 59-сонли буйруғи Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали 2023 йил 9 октябрь №155-Т сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Жиззах филиали 2023 йил 29 августдаги №52- сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган ( Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 июлдаги №05/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Платинага чидамли қайталанувчи тухумдон саратони ва асцити бўлган беморларда метроном терапия қўлланилиши касаллик асоратларининг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш давомийлигининг узайишига олиб келди. *Иқтисодий самарадорлиги:* Йил давомида махсус клиника стационарида асцит формаси билан тухумдон ракига чалинган 50 дан ортиқ бемор даволанади, бу эса ўртача 46 971 250 сўм тежамкорлик қилиш имконини беради. *Хулоса:* Пазопаниб ва перорал циклофосфамид комбинацияси платинага чидамли тухумдон саратони бўлган беморларда клиник аҳамиятга эга фойдали ва яхши кўтариладиган схема сифатида тан олинган. Бу ушбу ҳолатда илгари интенсиф даволашдан ўтган беморларни даволашнинг бир варианты сифатида қаралиши мумкин.

**тўртинчи илмий янгилик:** асцит билан кечадиган қайталанувчи тухумдон саратонида ўсманинг ангиоген потенциалини баҳолаш учун VEGFнинг маҳаллий (ўсма ичидаги) ва тизимли (айланиб юрувчи) даражаларини аниқлаш, касалликнинг клиник кечишига ва башорат қилишига аҳамият эканлиги исботланганлиги Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2023 йил 19 сентябрьдаги 59-сонли буйруғи Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Қашқадарё филиали 2023 йил 9 октябрь №155-Т сонли буйруғи ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий

тиббиёт маркази Жиззах филиали 2023 йил 29 августдаги №52- сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 2024 йил 26 июлдаги №05/41-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* Платинага чидамли қайталанувчи тухумдон саратони ва асцити бўлган беморларда метроном терапия қўлланилиши касаллик асоратларининг камайиши ҳисобига беморлар турмуш тарзининг яхшиланиши ва умр кўриш давомийлигининг узайишига олиб келди. Метроном терапиянинг иқтисодий самарадорлиги Республика даражасида 12 ой мобайнида 27,2%га харажатларни қисқартиришини имкон берган. *Иқтисодий самарадорлиги:* Химиорезистент тухумдон раки асцит билан мураккаблашган беморларни даволашда метрономли терапия қўлланилиши орқали йиллик тежамкорлик 46 миллион сўмдан ошади. Бу ушбу усулни паллиатив терапия амалиётида химиорезистент тухумдон ракиннинг асцит билан мураккаблашган ҳолатларини даволашда муқобил терапия сифатида кенг жорий этиш зарурлигини тасдиқлайди. *Хулоса:* Метрономли терапияга пазопанибни перорал циклофосфамид билан қўшиш орқали прогрессиясиз яшаш муддатини яхшилаш ва умумий яшовчанлик кўрсаткичларини оширишга эришилган, шунингдек, токсикликнинг яхши кўтариладиган профили сақланган. Икки гуруҳ ўртасида симптомлар шкаласи бўйича ҳаёт сифати кўрсаткичларининг ўртача яхшиланиши қайд этилган. Контроль нукта ингибиторларини метрономли кимёотерапия препаратлари билан қўшиб ишлатиш мумкинми деган савол келажақдаги тадқиқотларнинг муҳим йўналиши ҳисобланади.

**Ж.А.Абдурахмоновнинг «Кимёрезистентли тухумдон саратонининг рецидиви натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив давони такомиллаштириш»** мавзусидаги диссертация тадқиқотида олинган юқоридаги 4 та илмий янгилик бошқа соғлиқни сақлаш муассаларига жорий этиш бўйича Самарқанд давлат тиббиёт университетининг 2024 йил 14 сентябрьдаги 9343-сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилган.

**Илмий натижаларнинг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий анжуманда муҳокома қилинган, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокомадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг нашр этилганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги тўғрисида кенг қамровли асослаганлиги тақдим этилган. Мавзу Ўзбекистон

Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш устувор йўналишларига мос келишига алоҳида эътибор қаратилган, бу эса миллий илмий-технологик тараққиёт нуқтаи назаридан унинг стратегик аҳамиятини таъкидлайди. Тадқиқот давомида мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, шунингдек, ўрганиш объекти ва предмети белгиланган, бу эса тадқиқот жараёнини тизимлаштириш ва унинг методологик яхлитлигини таъминлаш имконини берган. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий илмий таҳлил усулларини қўллаш, эмпирик база ва методологик ёндашув билан таъминланган. Ишнинг амалий аҳамияти натижаларни соғлиқни сақлаш соҳасига муваффақиятли жорий этилиши билан тасдиқланган. Тадқиқот доирасида бир қатор илмий ишлар чоп этилган, бу эса олинган натижалар илмий ҳамжамият томонидан кенг тан олинганлигидан далолат беради. Диссертациянинг тузилиши мантқан бўлиб, бу ўрганилаётган муаммоларни ҳар томонлама ёритиш ва олинган натижалар таҳлилининг тақдим этиш имконини берган.

Диссертациянинг **«Кимёрезистентли тухумдон саратони рецидиви натижасида кузатиладиган хавфли асцитда паллиатив даволаш тактикасини такомиллаштиришнинг замонавий талқини»** деб номланган **биринчи боби** адабиётлар шарҳи бўлиб, тухумдон саратонида кузатиладиган асцитни ташхислаш ва даволаш муаммолари бўйича замонавий қарашларни акс эттиради. Ушбу бобда кимёрезистентли тухумдон саратони билан боғлиқ хавфли асцитнинг патогенези, диагностикаси ва терапевтик ёндашувларига оид долзарб илмий тадқиқотлар ва клиник тавсияларнинг ҳар томонлама таҳлили ўтказилган. Асцитик суюқлик тўпланишини эрта босқичларда аниқлаш ва унинг хусусиятларини белгилашга имкон берувчи замонавий тасвирлаш ва лаборатория диагностикаси усулларига алоҳида эътибор қаратилган. Асцит ҳажмини камайтириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга қаратилган фармакологик ва жарроҳлик усулларини ўз ичига олган мавжуд паллиатив даволаш стратегияларини батафсил кўриб чиқилган. Парацентез, қорин бўшлиғи ичи кимётерапияси, диуретиклар ва мақсадли дори воситаларини қўллаш каби турли ёндашувлар самарадорлиги танқидий таҳлил қилинган. Шарҳда клиник тадқиқотлар босқичида бўлган инновацион даволаш усулларига, жумладан, иммунотерапевтик ёндашувлар ва ген терапиясига катта ўрин ажратилган. Кимёрезистентли тухумдонлар саратони бўлган беморларга паллиатив ёрдам кўрсатиш контекстида ушбу усулларнинг потенциал афзалликлари ва чекловлари муҳокама қилинган. Бобнинг якуний қисмида мавжуд маълумотлар умумлаштирилган ва келгусида ўрганиши талаб қиладиган асосий муаммолар шакллантирилган, бу эса диссертация тадқиқотининг кейинги бўлимлари учун назарий асос яратади.

Диссертациянинг **иккинчи бобида “Тадқиқотнинг клиник-методологик жиҳатлари. Материаллар ва услублар”** тадқиқотда қўлланган материаллар ва текшириш усуллари баён этилган. Тадқиқотга асцит билан асоратланган тухумдон саратони (ААТС) ташхиси тасдиқланган

РИОваРИАТМ ва унинг Самарқанд вилояти филиалида 2017-2023 йиллар давомида даволанган 116 нафар аёл беморлар киритилган.

Асцит билан асоратланган тухумдон саратони ташхиси қўйилган беморлар РИОваРИАТМ томонидан ишлаб чиқилган, ўз ичига умумий қон тахлилини, биокимёвий кўрсаткичларни, СА 125, АФП ва ХГЧ даражаларини, ҳамда касаллик клиник кўринишини олган стандарт протоколга мос равишда текширувдан ўтказилганлар. Барча беморларга қорин бўшлиғи, кичик тос ва қорин орти бўшлиғини ультратовуш текшируви, кўкрак қафаси аъзолари рентгенографияси ва электрокардиография ўтказилган.

1-гурух (n=42),  
стандарт паллиатив  
даво (назорат  
гурухи):  
гемцитабин 1000  
мг/м<sup>2</sup> 1,8,15 кунлар  
ва бевацизумаб 7,5-  
15 мг/кг

2- гуруҳ (n=33),  
метроном  
монокимётерапия:  
циклофосфамид 50  
мг/сут

3-гурух (n=41),  
метроном  
кимётерапия:  
циклофосфамид 50  
мг/сут + пазопаниб  
400 мг/сут (per os)

Клиник, рентгенологик ва серологик таҳлил жавоблари ҳар 12 ҳафтада баҳоланган. Препаратлар дозаси 3 ва 4 даражали асоратларда пасайтирилган.

Пазопаниб дозаси биринчи 200 мг пасайтириб, бир кунда икки марта қабул қилишни, иккинчиси 200 мг камайтириб, бир кунда бир марта қабул қилишни ўз ичига олди. Ножўя таъсирлардан дозани камайтиришни талаб қилган ҳолат: диарея, кафт-товон синдроми, чарчаш, мукозит ва трансаминитлардир.

Таъкидлаш жоизки, мазкур даволаш режими тухумдон карциномасини даволаш учун тасдиқланмаган бўлиб, текширилаётган беморларда қўлланилиши расмий кўрсатмалардан ташқари (off-label) тарзда амалга оширилган. Дори воситаларининг расмий кўрсатмалардан ташқари қўлланилиши - бу препаратни расман тасдиқланган кўрсатмалар, дозалаш режимлари ва қўллаш усулларида фарқли равишда ишлатилишидир. Расмий кўрсатмалардан ташқари терапия кўпинча маълум бир касаллик ёки ҳолатни даволашнинг тасдиқланган усуллари мавжуд бўлмаганда ёки мавжуд усуллар кутилган натижани бермаганда қўлланилишини изоҳлаб ўтмоқчимиз. Резистентлик аниқланган мезонлар: платина билан бирламчи ва иккиламчи даволашда касалликни авж олиши; платинорезистентлик бевацизумаб ҳамда усиз цисплатин ёки карбоплатин базасида сўнгги терапия тугаганидан кейин 6 ой мобайнида касалликни рецидиви ёки зўрайиши кузатилганда (метастаз ва/ёки рецидив) аниқланган.

Беморларнинг ўртача ёши  $54,3 \pm 3,9$  ёш, бунда 51 ёшдан катталарда 56,3% энг кўп бўлган, 50 ёшдан кичик беморлар 43,1%, 71 ёшдан катталар 0,86% ташкил этган (1-жадвал).

**1-жадвал**

**Беморларнинг ёш бўйича тақсимланиши (%)**

Ёш	Беморлар сони				P
	abs	M (%)	m		
25-44 гача	8	6,90	2,35		Пирсон $\chi^2$ 0,329; p=0,722
45-59 гача	42	36,21	4,46		
60-74 гача	65	56,03	4,61		
75 ёш ундан катта	1	0,86	0,86		
жами	116	100,00	0,00		

Асцитик суюқлик миқдорини ультратовуш мониторинги билан биргаликда фракцион олиб ташлаш қорин бўшлиғида уни қанчалик тезликда тўпланиши тўғрисида тасаввурларга эга бўлишга имкон берган (2-жадвал).

**2-жадвал**

**Асцит билан асоратланган беморларнинг асцит суюқлиги тўпланиш интенсивлигига боғлиқликда тақсимланиши (%)**

Гуруҳлар	Қорин бўшлиғида йиғиладиган асцит интенсивлиги														
	≤1 л			≤1,0-2,0 л			≤2,0-3,0 л			≤3-4,0 л			≥4,0 л		
	abs	M	m	abs	M	m	abs	M	M	abs	M	m	abs	M	m
1 гуруҳ (n=42)	34	81,0	3,9	5	11,9	2,9	2	4,8	1,4	2	4,8	1,4	0	0,0	0,0
2 гуруҳ (n=33)	25	75,8	4,1	5	15,2	3,4	2	6,1	2,2	2	6,1	2,2	0	0,0	0,0
3 гуруҳ (n=41)	26	63,4	7,8	7	17,1	6,1	5	12,2	4,2	0	0,0	0,0	2	5,2	3,0
P	Пирсон $\chi^2 = 18,983$ ; p=0,523														
жами (n=116)	86	74,1	3,1	17	14,7	1,6	9	7,8	1,3	4	3,4	0,7	2	2,7	0,7

Кўплаб сабабларга боғлиқ ҳолда ультратовуш усули ёрдамида асцит суюқлик тўпланишини ҳар куни назорат қилиш мумкин эмас. Шундай қилиб, кам миқдордаги суюқликни баҳолаш ҳар доим ҳам объектив натижа бермайди.

Берилган 2-жадвалдан маълумки, қорин бўшлиғида суюқлик тўпланиш интенсивлиги ҳафтасига 1,0 литрга тўғри келган, бу эса жуда кўп ҳисобланади. Фақат 5,2% ҳолатларда суюқлик тўпланиши жуда катта интенсивликка эга бўлиб, 3,0 литр ва ундан кўпни ташкил қилди. Бундай интенсив тўпланиш қорин бўшлиғида ўсма билан зарарланиш (канцероматоз) катта ҳудудни эгаллаган беморлар учун хосдир.

**3-жадвал**

**Асцит билан асоратланган тухумдон саратони рецидивидида учрайдиган йўлдош симптомларни тақсимланиши**

Симптом	Кузатиш частотаси			$\chi^2$	
	abs	M(%)	m	c2	P
Хансираш	96	82,76	2,09	СНВ	
Оғриқ	54	46,55	1,98	0,989	0,410
Йўтал	46	39,66	2,33	12,836	0,000
Ланжлик (бехоллик)	91	78,45	1,91	141,669	0,000
Тахикардия	56	48,28	2,39	0,163	0,701
Анорексия	40	34,48	2,22	34,106	0,000
Тана вазни камайиши	74	63,79	2,17	86,987	0,000

Тақдим этилган тадқиқот натижалари асцитни текшириш ва динамик кузатишда замонавий инструментал визуализация усулларини беморни батафсил объектив текшириш билан бирлаштирган мультимодал диагностик ёндашувни қўллаш зарурлигини кўрсатади. Касалликнинг этиопатогенетик механизмлари ва асцит ривожланиш хусусиятларига асосланган беморларни даволашнинг индивидуал стратегияси терапевтик тактикани оптималлаштириш ва ўтказилаётган даволашнинг клиник самарадорлигини оширишга ёрдам беради.

Даволашнинг маълум тактикасини танлаш ва уни бажариш беморнинг умумий ҳолатига таъсир қилган (4-жадвал).

#### 4-жадвал

### Касалхонага ётқизишда текширилаётган беморларнинг умумий ҳолатига боғлиқликда асцитдан асоратланган беморларнинг тақсимланиши (%)

гурӯҳлар	Умумий ахвол											
	қониқарли			ўрта оғир			оғир			ўта оғир		
	abs	М	m	abs	М	m	abs	М	m	abs	М	m
1 гуруҳ (n=42)	22	52,4	5,3	16	38,1	4,9	3	7,1	3,05	0	0,0	0,00
2 гуруҳ (n=33)	21	63,6	5,1	6	18,2	3,8	4	12,1	2,9	2	6,1	2,33
3 гуруҳ (n=41)	26	63,4	7,9	7	17,1	6,33	5	12,2	6,01	3	7,3	3,9
Р	Пирсон $\chi^2 = 29,468$ ; $p = 0,014$											
Жами (n=116)	69	59,5	2,34	29	25,0	2,24	12	10,3	1,22	5	4,3	0,79

Клиник таҳлил натижасида беморларнинг 40,5% ҳолатларда ўрта ва оғир даражадаги ахволда бўлганлиги аниқланди. Ушбу клиник ҳолат қуйидаги омиллар мажмуаси билан боғлиқ эди: асосий патологик жараённинг юқори интенсивлиги, коморбид ҳолатларнинг (хамроҳ касалликларнинг) мавжудлиги ва умумлашган патологик белгиларнинг мавжудлигидир. Таъкидлаш жоизки, оғир ҳолатларнинг бундай юқори фоизи ўрганилаётган патологиянинг жиддийлигини ва барча этиологик омилларни ҳисобга олган ҳолда комплекс терапевтик ёндашув зарурлигини кўрсатади.

#### Таъхислаш усуллари:

Асцит гумон қилинган беморлар ССВ томонидан тасдиқланган стандарт: шикоятлар, анамнез, объектив кўрув, маҳаллий статусни аниқлаш, УТТ, трансвагинал УТТ, трансвагинал кўрув (аёлларда), сийдик, қоннинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий таҳлили, В,С гепатитга таҳлиллар, ОИВ, РВ, қон гуруҳи, резус-фактор, ЭКГ, пастга тушувчи цистография, экскретор урография бўйича текширилди.

Беморларга умумқабул қилинган стандарт текширув усуллари ўтказилди: Ультратовуш сканирлаш, кичик чанок МРТ, экскретор урография,

кўкрак қафаси рентген текшируви, кўрсатмага мувофиқ колоноскопия, МСКТ, қон ва сийдикнинг умумий клиник таҳлили; қоннинг биокимёвий кўрсаткичи, коагулограмма қилинди.

Гистологик текширув. Барча беморлар гистологик текширилди. Ван Гизон, Конго қизил бўйича пикрофуксин, гематоксилин ва эозинда бўяшдан фойдаланиб, серияли парафин кесмалар (ҳар бир кузатув учун 15-20) гистологик ўрганилган. Препаратлар рангли микроскопда 10×, 20×, 40× окулярни катталаштириш билан кўриб чиқилган.

Операцион материалнинг иммуногистокимёвий текшируви (ИГКТ) серияли парафин кесмаларда ўтказилган

### **Асцитдан асоратланган қайталанган тухумдон саратони аниқланган беморлар ҳолатини баҳолаш мезони**

Беморларни саралаш мезони: текширилаётган гуруҳларга қуйидаги беморлар киритилди - асцит борлиги; асцитда саратон ҳужайраларининг борлиги; морфологик тасдиқланган ташхис; ўсма жараёнининг босқичи FIGO бўйича IС-IIIС мос келиши, платинарезистент ва/ёки платинарефрактер саратон аниқланган беморлар.

Диссертациянинг «Рецидивли асцитдан асоратланган тухумдон саратони аниқланган беморлар ўсма ва қон зардобда ангиоген омиллар миқдори» деб номланган учинчи бобда тадқиқотга киритилган аёллар қониди ва бирламчи ўсма жойлашган тухумдонларда VEGF экспрессия даражаси ўрганилган. Тадқиқотга 21 дан 53 ёшгача бўлган 30 нафар тухумдон саратонидан тузалган аёллардан иборат назорат гуруҳи киритилган. Асосий гуруҳ 116 та 4 босқичдаги асцит билан асоратланган тухумдон саратонини рецидивли кузатилган беморлардан иборат эди. Таққосланаётган асосий гуруҳда дастлаб қон зардобда VEGF даражасини аниқланган. Олинган натижалар 5-жадвалда келтирилган. Назорат гуруҳида VEGF йиғиндиси 155 пг/мл медиана бўйича 15дан 288 пг/м гача ўзгариб турди. VEGF дастлабки даражаси деб назорат гуруҳининг референс интервали қабул қилинди (95%), 288 пг/мл га тенг.

ТС билан касалланган 116 нафар бемор қон зардобда VEGF миқдори кенг кўламда 16дан 1998 пг/мл гача ўзгариб турди, медиана бўйича 458 пг/мл ни ташкил қилиб, назорат гуруҳига қараганда ишончли баланд бўлди ( $p < 0,01$ ).

Корреляцион таҳлил беморлар қон зардобда VEGF ва СА-125 даражалари ўртасида ўзаро боғлиқлиги аниқланмади.

Илмий тадқиқот доирасида олиб борилган изланишлар натижаси шуни кўрсатдики, хавфли асцит билан асоратланган кимёрезистент тухумдон саратонини рецидивда ва ТС дан даволанган беморларда зардобда VEGF (васкулоэндотелиал ўсиш омили) қуйидагича аниқлаш мумкин: ААҚТС (асцит билан асоратланган қайталанувчи тухумдон саратони) билан оғриган беморлар қон зардобда VEGF миқдори ТСдан даволанган беморларга қараганда ишончли юқори эканлиги қайд этилди. Ушбу кўрсаткичлар касалликнинг кечиши ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

**Беморлар ёшининг ҳисоби билан тухумдон ўсмалари аниқланган  
беморлар қон зардобда VEGF миқдори**

Ёш	Қон зардобда VEGF миқдори, пг/мл			
	ТС касалланган беморлар			
	Назорат гуруҳига нисбатан соғлом аёл		ТС	
	N	95% ИИ	N	Медиана (квартили)
25-44	8	67,14(216,8-351,1)*	24	17,2(175,7-210,3)
45-59	7	132,8(0,8-265,38)*	28	19,9(339-378)
60-74	5	250,2(111,2-389,2)*	33	23,5(274,4-321,5)
75-89	10	24,25(4,75-51,25)*	31	18,8(289-326)

*Изоҳ :  $p < 0,05$ ; \*мутлоқ йиғинди; N – кузатувлар сони*

Корреляцион таҳлил барча гуруҳларда ААҚТС билан касалланган беморлар ёши ва қон зардобда VEGF-концентрацияси ўртасида боғлиқликни аниқламади ( $p > 0,05$ ). 24 нафар бемор қон зардобдаги VEGF концентрацияси ўша куни 68дан 872пг/мл ни ташкил қилган, бу назорат гуруҳига қараганда аҳамиятли юқори эди. Дисперсион таҳлил 40 ёш ва ундан кичик беморлар учун зардобда VEGF медианасининг сезиларли пасайишини аниқлади ( $p < 0,05$ ) (5-жадвал).

Зардобда VEGF медианаси 50-59 ёшда (535 пг/мл) подагра билан касалланган беморлар гуруҳида энг юқори бўлган. Шу билан бир вақтда VEGF миқдори кекса беморларда яна пастга тушди, 40 ёшгача бўлган беморлар гуруҳида даражадан фарқ қилмади. ДЕК нинг энг юқори медианаси 40-49 ва 50-59 ёш гуруҳида кузатилди. Уч гуруҳда беморлар қон зардобда VEGF даражаси таҳлили репродуктив фаолият ҳолати билан маркерлар ишончли боғлиқлигини аниқламади. Ҳамроҳ кечувчи соматик касалликлар, аборт ва туғруқлар борлигини ҳисобга олиб, тухумдон янги ҳосилаларини аниқлаган беморлар қон зардобда VEGF миқдори боғлиқ бўлган. Ҳар учала гуруҳда тухумдонда янги ҳосилалар аниқланган беморларда ҳамроҳ кечувчи соматик касалликлар мавжудлигида қон зардобдаги VEGF миқдори ҳамроҳ соматик касалликлар аниқланмаган беморлардаги ушбу кўрсаткичлардан фарқ қилмаган. Учинчи гуруҳ беморлари қон зардобда VEGF даражалари таҳлили фертил статус билан маркерлар ишончли боғлиқлигини аниқламади.

**Ўсма дифференциация даражаси ҳисоби билан ААҚТС аниқланган  
беморлар қон зардобда VEGF**

Ўсмани дифференциация даражаси	Беморлар сони	VEGF, пг/мл медиана (квартили) Монофазали таҳлил	Кўп фазали таҳлил (n=%)
Юқори	19	221 (199-517)*	10/44,6%
Ўрта	56	560 (387-1021)**	49/78,6%
Паст	41	516 (313-601)***	37/83,8%


*Изоҳ: \*vs\*\* $p=0,047$ ; \*vs\*\*\* $p=0,004$ .*

Ўсманинг гистологик тузилиши ҳисоби билан ААҚТС аниқланган беморлар қон зардобда VEGF миқдори. Ўша вақтда беморлар гуруҳидан шиллик ўсма тузилишга эга беморларда VEGF энг юқори миқдори аниқланди, аммо ҳамма тафовутлар ҳам ишончли бўлмади. Қон зардобда VEGF аниқланиш частотаси сероз ТС аниқланган 81 беморда юқори бўлиб, унинг даражаси 76%, эндометриоид ТС аниқланган 11 нафар беморда 55% ни ташкил қилди ( $p=0,13$ ). Ўсма дифференцировкасини ҳисобга олган ҳолда ААҚТС билан касалланган беморларда VEGF. ТС билан касалланган беморлар қон зардобда VEGF миқдори тафовути ўсма дифференцировка даражасига боғлиқликда намоён бўлган. Бевосита, зардоб VEGF медианаси қуйидаги беморларда сезиларли паст бўлди: ўртача (560пг/мл;  $p=0,047$ ) ва паст (514пг/мл;  $p=0,004$ )га таққосланганда энг юқори дифференцияланган. Ўсмалар дифференциация даражасига боғлиқликда беморлар қон зардобда VEGF миқдорининг тафовутлари аниқланди. Шундай қилиб, зардобли VEGF медианаси ТС юқори дифференциацияланган беморларда (212пг/мл), ўртача (560пг/мл;  $p=0,047$ ) ва паст дифференцияланган беморларга қараганда (514пг/мл;  $p=0,004$ ) паст бўлган.


Монофазали таҳлил кўрсатишича, ўсма дифференцировкасини сингари саратоннинг муҳим клиник намоён бўлиши маълум даражада қонда VEGF миқдори билан боғлиқ. VEGF даражасини аниқлаш частотаси зардобда бошланғич ҳолатда сезиларли ошди, ўсма дифференцировкасини 44,6% дан 83,8% гача камайди. Дифференциациянинг паст даражаси ( $p=0,002$ ). Асцит билан ААҚТС га чалинган 64 нафар ва асцитсиз 36 нафар беморда қон зардобидиги VEGF медианаси фарқ қилмади (мос тарзда 495 ва 385пг/мл,  $p=0,13$ ). ААҚТС билан касалланган беморларда асцит ўсма хужайраларининг мавжудлиги, қон зардобда VEGF миқдорининг ўртача даражаси 478пг/мл ташкил қилиб, ўсма хужайралари аниқланмаган беморлардан фарқ қилмади (401пг/мл) ( $p=0,5$ ). Ундан ташқари, жигар паренхимаси (663пг/мл) ва қорин ёғида (785пг/мл) метастазлар мавжуд бўлган ААҚТС га чалинган беморлар қон зардобда VEGF медианасининг йиғиндисини метастазларсиз (485пг/мл) беморларга қараганда юқори эканлигини таъкидлаш жоиз. Турли гистологик тузилмаларга эга 25 нафар беморларнинг бирламчи ўсмаларида VEGF экспрессияси текширилди (1, 2-расм). Ўсма хужайраларининг (бўялаши) турли даражада зичлигида VEGF борлиги тасдиқланди.

Саратон хужайралар цитоплазмасини моноклонал антитана билан кучли бўяш VEGFга қаршили 25 ўсманинг 5 тасида (20%), 11 (44%) таси ўртача бўялиш ва 9 та (36%) тухумдон ўсмаларининг кучсиз бўялиши аниқланди.

ИГХ усул билан бирламчи ўсма тўқимаси ва қон зардобини намуналарида ИФА усулида VEGF даражалари аниқланди. Тўқималарда VEGF экспрессияси ва ИФА усулида аниқланган VEGF зичлиги ўртасидаги боғлиқлик жадвалларда келтирилган. Зардобда VEGF энг юқори концентрацияси ўсма кучли бўялган беморлар гуруҳида аниқланди (медиана 412 пг/мл), аммо барча кузатилган фарқлар статистик жиҳатдан аҳамиятли эмас эди ( $p=0,4$ ) (кузатувлар сонининг камлиги ва зардобдаги VEGF юқори ўзгарувчанлиги ушбу кўрсаткичлар ўртасида корреляцияни аниқлашга имкон бермади,  $r=0,6$ ).



**1-расм.** Бемор С. 57 ёшда. Тухумдонлар сероз папилляр аденокарциномаси. 100 марта катталашган микропрепарат. Гематоксилин ва эозинда бўялган (а), VEGF ИГК реакция (б).



**2-расм.** Бемор И. 45 ёшда. Тухумдонлар муциноз цистаденокарциномаси.

Шу билан бирга, биз ИГХ усулида аниқланган экспрессияга нисбатан ИФА усулда аниқланган ўсмадаги VEGF концентрацияси ошганлиги аниқланди ( $p=0,035$ ). Кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик ўртача даражада эди ( $r_s=0,51$ ;  $p=0,05$ ). ТС билан оғриган беморлар қон зардобидаги VEGF концентрацияси ва ўсма тўқимасида ИГХ усулида аниқланган концентрация ўртасида боғлиқлик аниқланмади ( $p=0,3$ ). Шу билан бирга, ИГХ аниқланган ўсма тўқимасидаги VEGF юқори даражалари ИГХ усулида баҳоланганда VEGF кучли бўйлишига мос келди. Бирок, кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик кучсиз ва статистик жиҳатдан аҳамиятсиз эди ( $r_s=0,14$ ;  $p=0,6$ ).

Олинган натижалар шуни кўрсатдики, ААҚТС (асцит билан асоратланган қайталанувчи тухумдон саратони) билан касалланган беморларнинг қон зардобидаги VEGF миқдори, ТС дан даволанган беморларникига нисбатан сезиларли даражада юқори эканлиги аниқланди. Ўсма тўқимасидаги юқори VEGF даражаси ИГХ маркернинг кучли экспрессияси билан статистик жиҳатдан аҳамиятли корреляцияга эгалиги аниқланди. Ўсма тўқимасидаги юқори VEGF даражаси ИГХ маркернинг яққол ифодаланган экспрессияси билан боғлиқ, бироқ бу корреляция статистик жиҳатдан аҳамиятли эмаслиги топилди. ИГХ усулида аниқланган ўсма маркерлари экспрессияси ва иммунофермент усулида аниқланган қон зардобидаги VEGF миқдори ўртасида корреляцион боғлиқлик кузатилмади. Ушбу кўрсаткичлар касаллик кечиши ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим диагностик аҳамиятга эга.

Диссертациянинг «Асцит билан асоратланган платинарефрактер тухумдон саратони рецидивини даволаш натижалари» деб номланган

